

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГИПЕРТЕНЗИВ БУЗИЛИШЛАР ВА ТУҒРУҚНИНГ КЕЧИШИ

Тиляходжаева Г

*Фарғона Жамоат Саломатлиги тиббиёт
институти*

Жунайдуллаева Махлиё

*2- сон Фарғона Абу Али ибн Сино
номидаги жамоат саломатлиги техникуми.*

Муаммонинг долзарблиги. Ҳомиладорлар гипертензив бузилишлари ўз асоратлари ва учраш кўрсатгичлари билан акушерлик амалиётида актуал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Гипертензив бузилишлар ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечшини оғирлаштириб оналар ўлими сабаби бўйича 2-3 ўринда турди. Ҳомиланинг она қорнида ривожланишига таъсир қилиб перинатал касалликлар ва ўлим фоизининг ошишига олиб келади .

Адабиётлардаги маолумотларга кўра, гипертензив бузилишлар 8-17% ҳолларда учрайди . Бистрицкая Т.С. 2000 й. фикрлари бўйича ҳар 7-9 та ҳомиладордан биттасида гипертензив бузилишлар учрайди БЖССТ 2003 й. маълумотларига кўра барча гипертензив бузилишлар билан кечувчи ҳомиладорликнинг 2-8% ни ҳомиладорлар гипертензив бузилишлари ташкил қилади. Бир қанча Россия олимларининг маълумотларига кўра гипертензив бузилишлар 12-17% ҳомиладор аёлларда аниқланади .

Гипертензия бош мия қон айланишининг бузилиши (Генева, 2008), кўз тўр пардасининг кўчиши. Гипертензив бузилишлар ва плацентанинг кучиши натижасида келиб чиқувчи массив қон кетишларга олиб келади .

Мақсад ва вазифаларимиз: Гипертензив бузилишлари бўлган ҳомиладор аёлларни ретроспектив ва проспектив таҳлил қилиш ва БЖССТ таклиф қилган даволаш усулининг самарадорлигини исботлаб бериш.

Биз ўз олдимизга гипертензив бузилишда туғруқнинг кечшини, гипертензив бузилишнинг она ва хомилага таъсирини ўрганиб, эътиборимизни бу патологиянинг интенсив даво услубларининг самарадорлигига қаратдик. Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларимизни ечиш учун 25 та ретроспектив касаллик тарихини таҳлил қилдик ва 25 та ҳомиладорликни проспектив ўргандик. 50 нафар аёлдан 36 (72%) нафарида оғир даражали гипертензив бузилиш, 4 (8%) нафарида ўрта даражали гипертензив бузилишлар, 10 (20%) нафарида эса гипертензив бузилишнинг енгил даражаси аниқланди. Проспектив гурух ҳомиладорларининг умумий аҳволи БЖССТ томонидан ишлаб чиқилган гипертензив бузилишлар таснифи бўйича

баҳоланди. Ҳомила аҳволи ва унинг ривожланишдан орқада қолиш даражасини баҳолаш учун УТТ апаратидан фойдаланилди.

Текшириш натижалари қуидагиларни кўрсатди. Барча беморлар орасида

20 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳомиладорлар 55% ни ташкил қилди.

Ҳомиладорларда кўпроқ учраган экстрагенитал касалликлар: камқонлик, буйрак касалликлари, семизлик, юрак қон-томир касалликлари, гипертензив бузилишлар ва ҳоказо. Баъзи ҳомиладорларда экстрагенитал касалликларнинг 2-3 хил тури аниқланди. Гипертензив бузилишларнинг тоза турлари биринчи бор туғувчи ҳомиладор аёлларда 9% учради. Касаллик турлариниг қўшилиши билан гипертензив бузилишлар оғирроқ кечиб, даволашлар самара берганлиги кузатилди. Гипертензив бузилишнинг кечишига экстрагенитал касалликнинг оғирлик даражаси ва давомийлиги маълум даражада таъсир кўрсатади.

Бизнинг кузатувимиздаги кечки гипертензив бузилишлари бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорлар қусиши (24%), камқонлик (90%), буйрак касалликлари (20%) аниқланган. Бу ҳомиладорларнинг ярмидан кўп қисми рўйхатга ўз вақтида олинмаган. Бизнинг таҳлилимиз бўйича гипертензив бузилиши белгилари ичida гипертензия (100%), шиш (64%), протеинурия (78%) учраб. шулардан фақат 3 нафар ҳомиладор сийдигида оқсил 3 г/1 дан кўп эканлиги кузатилди. Ҳомиланинг дисстрес синдроми (17%) ҳомиладорларда аниқланди. Бу эса ҳомиладорликнинг кўпроқ қишлоқ шароитида ҳатто гипертензив бузилиш келиб чиқиш хавфи юқори бўлган ҳомиладорларни ҳали ҳам аёллар маслаҳатхоналарида рўйхатга кеч олинаётганлигини кўрсатади. Бизнинг назоратимизда бўлган 25 нафар ҳомиладорда гипертензив бузилишни даволаш юқорида келтирилган магнезиал даво схемаси бўйича олиб борилди. Даволаш натижасида 20 нафар (80%) ҳомиладорларда АҚБ ни пасайиши кузатилди. 5 нафар (20%) ҳомиладорда даво самарасиз бўлди. Қиёсий гуруҳда гипертензив бузилишни анъанавий йўл билан даволаганда 10 (40%) нафар ҳомиладорда даво самарасиз бўлган. Биохимик текширувларда қон зардобидаги умумий оқсил миқдори камайганлиги (60,0-70,0 г/1) аниқланди, бу кўрсатгични ҳомиладорлар сийдиги орқали оқсил юқотилиши билан боғлаш мумкин. Мочевина ва креатинин кўрсатгичларида деярли ўзгаришлар кузатилмади. Бизнинг кузатувимизда бўлган 44% ҳомиладорда ҳомиладорлик муддатли туғрук билан якунланди. Магнезиал даво услубини қўллаш натижасида, муддатдан олдинги туғруқлар, ҳамда индуксияланган туғруқлар сони қиёсий гуруҳга қараганда икки баравар камайди. Туғрук умумий давомийлигининг ўртacha кўрсаткичи гипертензив бузилишнинг енгил ва оғир даражаларида деярли фарқ қилмади. Асосий гуруҳ ҳомиладорлари орасида нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин кўчиси 4%, гипертензив бузилишнинг енгил даражадан оғир даражага ўтиши 14% кузатилди. Бу ҳолатнинг келиб чиқиши қон-томир девориниг муртлиги билан боғлиқ. Оғир даражали гипертензив

бузилишлар орасида туғруқни оператив йўл билан тугаллаш магний сулфат самарасиз бўлганда 5 (18 %) ни ташкил этди. Адабиётларда гипертензив бузилишларнинг ўзи 1,4- 6,2% ҳолларда кесар-кесиш операциясига кўрсатма бўлиб ҳисобланади . Асосий гурухда 10%, ретроспектив гурухда 7% ни кўрсатди. Акушерлик қисқичлари асосий гурухда 4% ҳолда ишлатилди. Гипертензив бузилишлар оғирлик даражаси қанча ўсиб борса ҳомила ва чақалоқ учун туғрук оқибати шунча кам мувафақиятли булади. Оғир даражали гипертензив бузилишлар ҳомила ва чақалоқ саломатлиги учун жуда катта хавф туғдириши мумкин.

ҲРОҚС курсаткичи қиёсий гуруҳдаги беморларга қараганда асосий гуруҳдаги беморлардан икки маротаба камайган. Бехатар оналиқ дастури асосида олиб борилган магнезиал даво натижасида, ҳомила дисстресс синдроми (3%) га чала туғилишлар сони икки баравар, перинатал ўлим 1,5 бараварга камайди. Магний сулфат ўзининг седатив, гипотензив, диуретик, спазмолитик, токолитик, талвасага қарши ва ҳоказо таъсирларга эга бўлганлиги учун, акушерлик амалиётида аввал гипертензив бузилишни даволашда ишлатилган бир қанча препаратлар, спазмолитиклар (Рараверин, Ноша, Баралгин), седатив (реланиум, седуксен), гипертензив (диазол, эуфиллин), сийдик ҳайдовчи (фуросемид, гипотиазид), нейролептик моддалар ганглиоблокаторлар (бензогексоний, пентамин), токолитиклар ва бошқалар ўрнида қўлланилиши тежамкорлик томонидан ҳам мақсадга мувофиқдир. Гипертензив бузилиши бўлган ҳомиладорларни олиб бориш ҳамда туғруқни ҳал қилиш вақти ва услубини белгилашда касалликнинг оғирлик даражасига, ҳомиладорлик, туғрук ва фарзандлар сонига эътибор қаратиш лозим.

ХУЛОСАЛАР

Гипертензив бузилишлар 2002-2003 йилда 12,5%, 2009-2011 йилда 6,6 % ҳомиладорларда учрайди. Енгил даражали гипертензив бузилишлар 41 (82 %) , оғир прееклампсия 9 (18 %), беморда кузатилди. Анемия 90,6% , буйрак касалликлари 14,4 %, семизлик 6,2 % ни ташкил қилди. Прееклампсия бўлган аёлларда ҳомиладорлик натижасини ўрганиш шуни кўрсатди, 30 нафар аёл (60%) сақланган ҳомиладорлик билан уйига жавоб берилди. Улардан ҳомиладорлар патологиясида ётган ўртача ўрин куни 12- 15 кунни ташкил этган. Уларнинг ҳаммаси қон босими, сийдигидаги оқсил миқдори, қон ва сийдик тахлиллари тўла ортга қайтган ҳолда уйига жавоб берилган. Аёлларнинг 35 тасида (70 %) муддатли туғрук, 12 тасида (24%) муддатдан олдинги туғрук, 2 тасида (4%) чўзилган ҳомиладорлик ва биттасида (2 %) муддатдан ўтган туғрук кузатилган. Туғрук 21 нафар (84%) аёлларда бошқарилувчи гиптония остида табиий туғрук йўллари орқали олиб борилди. 4 нафар (8 %) аёлларда эса туғрук кесар кесиш операцияси билан якунланди.Бехатар оналиқ дастури асосида олиб борилган эффектив перинатал парвариш натижасида туғруқни индукиялаш

икки бараварга, чала түгىшлар сони икки бараварга, перинатал ўлим 1,5 бараварга камайды.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев Д.Н. Антогонистқ қалғация в комплексной регуляции родовой деятельности при аномалиях родовқұ сил, гестозе , гипертоническое болезни и вегетососудистой дистонии по гипертоническому типу. Автореф. дисс. докт. мед. наук. Санкт-Петербург 1998 . стр 35.
2. Айламазян Э. К. Неотложная помощь при экстремальных состояниях в акушерской практике. // Ассоц. РОСМЕДПОЛИСII, 2000. С. 29 -52.
3. Каримов А.Х., Аляви Ф. Л., Нажмутдинова Д.К. Ультразвуковая диагностика в акушерской практике.- Ташкент, 2002. 102 стр.
4. Серов В.И. Практическое акушерство. - М., Медицина,- 2002.
5. Токова З.З. Методология изучения и профилактики материнской заболеваемости и смертности // Акуш. И гин. 1988.-№2.-С. 54-58.
6. Уход во время беременности, родов, послеродового периода, уход за новорожденным: Руководство для клинической практике. ВОЗ, Женева 2003г.
7. Рахимов А.У., Меликулов Х.М. Акушерлиқда геморрагик шокнинг замонавий муаммолари. Тошкент. « Истиклол» - 2005,
8. Geneva Foundation for Medical Education and Research ([http:// www. Gfrner. cp. / clVGuidelines / Qbstetrias — gynecology- guidelines. Php](http://www.Gfrner. cp. / clVGuidelines / Qbstetrias — gynecology- guidelines. Php)), 2008.
9. Hill L. M., Breckle R., Gehrking W. Abruptio placenta; an unusual ultrasonic presentation - intraamnionic blood clot. // Am. J. Obstet. Gynec., - 2002, - Vol 148,-N 3,-P. 1144-1145.
10. Gilabert J., Estelles A., Azner J. et al. Abruptio placenta and disseminated intravascular coagulation. - Acta Obstet.